



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (13.409)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 10 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Амир Темур таваллудининг 681 йиллиги

СОҲИБҚИРОННИНГ БАРҲАЁТ МЕРОСИ

Амир Темур – халқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов маънавий тикланиш ва янгиланиш ислохотларини улғу аждодларимизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қурди. Бунинг самарасида халқимиз ҳар йили Соҳибқирон таваллуд тоғлан кунни улғу аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида кенг байрам қилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиббонидан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Хабибуллаев, тарих фанлари доктори Шоҳиста Улжаева, публицист Бахтиёр Хайдаров ва бошқалар Амир Темур нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавий ҳомийси, балки ўз вақтида Осиё ва Европа китъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизацияси ривожига бекиб қўйган буюк бунёдкор бўлганини таъкидлади. Евроосиё ҳудудида улкан салтанат барпо қилган Амир Темур шахси ва фаолиятига қизиқиш халқро майдонда тобора ортиб бормоқда.

Бу беназир зотнинг қандай замин ва тарихий шароитда ўсиб-ўлғайгани, қай тариха шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, давлат арбоби, енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида шарҳ ва ғарб тилларида бир ярим мингдан ортиқ асар битилган. Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатда темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда.

Амир Темур феноменини англаш, ҳолис ва ҳаққоний ёритишга фақат мустақиллик туфайли кенг йўл очилди: 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили бўлди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида мухташам хайкаллари қад ростлади. Улғу бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Ислоҳ Каримов таклифи ва сўзбошиси билан "Темур тузуқлари" асари мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Бугун мамлакатимизда катта ғайрат-шижоат билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғундир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида "Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: "Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!" деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур", де-

ган эзгу даъвати улғу аждодимиз хотирасига кўрсатилаётган улкан эҳтиромнинг бардавомлигидан далолат.

Амир Темур Оқсарой пештоқининг олд томонида "Адолат – давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиори-дир", деган ёзувни ёздирган, бу ҳикматга, аввало, ўзи амал қилган. Бугун мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва муносабатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солингани ўзбек давлатчилиги мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги ана шундай буюк анъаналарнинг мантийқий давоми бўлмоқда.

Шу кунларда Халқ қабулхоналарига кираверишда давлатимиз раҳбарининг "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир", деган ҳаётбахш сўзларига кўзингиз тушади. Президентимиз барчага ўрнат қўрсатиб, чекка қишлоқ ва овулларга қириб бориб, юзга келган реал вазият, аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишмоқда, муаммоларни бартараф қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар бермоқда. Бугун парламент аъзолари, давлат органлари раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам жойларга чиқиб, асл ҳолатни ўрганмоқда, ўз фаолиятини таҳлилий-танқидий кўриб чиқмоқда. Барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг халқ олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ўзбек ва инглиз тилларида америкалик машҳур шоир Эдгар Аллан Поинг "Буюк Темур" достонидан парча ўқиди. Республика дизайн ва рассомлик коллежлари ўқувчилари Амир Темур ва темурийлар давридаги либосларни намойиш қилди.

Буюк Соҳибқирон хайкали пойга гуллар қўйилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур даврида боғ яратиш санъати" деб номланган кўргазма очилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Умид ЁКУБОВ,
ЎЗА муҳбири

МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Аввал хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 7 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Арманистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари Эдвард Налбандян, Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазирлари Владимир Макей, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари Қайрат Абдраҳманов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари Эрлан Абдилдаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлари Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари Сирожиддин Аслово, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов, Молдова Республикаси ташқи ишлар ва Европа билан интеграция вазирлари ўринбосари Лилиан Дарий, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазирлари ўринбосари Халаф Халафов, Туркменистон ташқи ишлар вазирлари ўринбосари Вепа Хажиев ва МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижроичи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Мажлисида Россия томони раислик қилди. Делегациялар раҳбарлари ташкилот фаолиятининг турли йўналишларидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари, халқро ва минтақавий масалаларни ҳал этишдаги унинг роли ва аҳамиятини оширишни муҳокама қилди.

Тадбирда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда МДҲ давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Кун тартибига кўра, МДҲ давлатлари ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан 15 ҳужжат кўриб чиқилди. Улардан 9 таси шу йилнинг октябр ойида бўлиб ўтадиган Ҳамдўстликнинг Давлат раҳбарлари кенгаши ва май ойида ўтказиладиган Ҳукумат раҳбарлари кенгаши муҳокамасига киритилади.

Ҳужжатлар Ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи сиёсат, ҳуқуқий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги масалаларини қамраб олган.

Иштирокчилар христиан, мусулмон ва бошқа конфессияларни камситиш ва уларга нисбатан муро-сасиз муносабатда бўлишга йўл қўймаслик тўғрисидаги Баёнотни қабул қилди. Ҳужжатда диний мансублик ва эътиқодига асосланган ҳолда айрим шахсларга нисбатан муро-сасиз муносабатда бўлиш, куч ишлатиш ва террорчилик ҳаракатини амалга ошириш ҳолатлари давом этаётганлиги сабабли хавотир билдирилган. Христиан, мусулмон

ва бошқа конфессия вакилларига нисбатан муро-сасизлик қилиш, уларни камситиш, куч ишлатиш ҳамда террорчилик ҳаракатларининг барча кўри-нишлари қатъий қораланади. Томонлар халқро ҳамжамиятнинг мазкур йўналишдаги позицияла-рини бирлаштириш бўйича сазй-ҳаракатларни яна-да олға суриш мақсадини билдирди.

ТИВ раҳбарлари қвоталар тақсимо-ти, Ижроия қўмитаси раиси – Ижроичи котиб ўринбосарларини ва МДҲ бош қароргоҳидаги бошқа мансабдор шахс-ларни квота асосидаги амалларга тайинлаш ва алмаштириш тўғрисидаги МДҲ Ижроия қўмитаси-нинг ахборотини тинглади.

Давлат раҳбарлари кенгашида кўриб чиқиш учун киритиладиган МДҲ давлатларининг жиноий фао-лиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишга қарши курашиш соҳа-сидаги ҳамкорлиги Концепцияси ҳамда жиноий иш-ларнинг моддий далиллари бўлган наркотик ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсор-ларини, ўқотар қуроллар, уларнинг асосий қисм-лари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва порт-ловчи қурилмаларни топшириш тартиби тўғриси-даги Баённома лойиҳалари маъқулланди.

2018 йилда "Ҳамдўстликнинг маданий пойтах-ти" давлатлараро дастурини амалга ошириш, МДҲ мамлакатларининг қуролли қучлари метро-лог мутахассисларини ҳамда молиявий тергов органлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича айрим таълим ва академик муассасаларга асосий таш-килот мақомини бериш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлис конструктив муҳитда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Иштирокчилар ТИВК йиғилишини юқори дара-жада ташкил этганлиги ва Тошкент шаҳрида ўтқа-зилган тадбир давомидаги анъанавий самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикасига миннатдорлик билдирди.

ТИВК йиғилиши доирасида иштирокчи давлат-лар ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг икки томонлама учрашувлари ўтказилди.

МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг нав-батдаги мажлиси 2017 йил 10 октябрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 2017 йил 7 апрель куни Марказий Осиёнинг беш давлати ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иш-лар вазирлари Абдулазиз Комилов, Қозо-ғистон Республикаси ташқи ишлар ва-зири Қайрат Абдраҳманов, Қирғизис-тон Республикаси ташқи ишлар вази-ри Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Рес-публикаси ташқи ишлар вазирлари Сиро-жиддин Аслово, Туркменистон ташқи ишлар вазирлари ўринбосари Вепа Ха-жиев Марказий Осиё минтақасидаги ҳо-лат, алоқаларнинг долзарб йўна-лишлари бўйича, шу жумладан, халқ-

ро ва минтақавий ташкилотлар дои-расида ҳамкорлик ҳамда мавжуд умум-ий муаммолар ечимларини биргалик-да ишлаб чиқиш юзасидан фикр ал-машилди. Учрашуви Ўзбекистон Респу-бликаси ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Ко-милов очди, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон делега-циялари раҳбарлари сўзга чиқди. Йиғилиш иштирокчилари Қозоғис-тон ташқи ишлар вазирлари Қайрат Абд-

рахмановнинг БМТ Хавфсизлик кенга-шида олиб борилаётган ишлар ҳақида-ги ахборотини ҳам тинглади.

Фикр алмашиш чоғида мазкур шакл-даги вазирлар учрашуви барча учун фойдали эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирликлари раҳбарларининг шу каби форумла-рини мунтазам равишда ўтказиш тўғри-сида келишувга эришилди.

ЎЗА



● Бухорода "2017-2021 йилларда Ўзбеки-стон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури бажарилиши устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ўрни" мавзусида семинар-тренинг ўтказил-ди.

● Навоийда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жа-моат фонди томонидан маъқулланган "Таби-ий бойликларни асраш виждонимиз амрига айлансин!" гранти лойиҳаси доирасида ме-диатор ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-лаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқро хайрия фонди ҳамда Германиянинг "Friedensdorf International" халқро ташкилоти ўртасида ту-зилган ҳамкорлик келишувига асосан Наман-ганда Германия Федератив Республикасидан келган бир гуруҳ тажрибали шифокорлар бе-мор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди.

● Термизда "Ёш чегарачилар" мусобақа-сининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб

ўтди. Иштирокчилар турникда тортилиш, югу-риш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, тарих ва инглиз тили каби йўналишларда билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.



● Кеча Москва-Брест йўналиши бўйича қат-новчи йўловчи поезде ва электрпоезднинг тўқнашиб кетиши натижасида бир нечта ва-гон изидан чиқиб кетди, 50 га яқин киши жароҳатланди. Дастлабки тахминларга кўра, тўқнашувга электрпоезднинг тормоз тизими-нинг ишламай қолганлиги сабаб бўлган. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

● Кеча Мисрнинг Александрия ва Танта ша-ҳарларида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари натижасида 46 киши ҳалок

бўлди, ўнлаб одамлар жароҳатланди. Алек-сандрия шаҳрида яна битта портловчи қурил-ма зарарсизлантирилди. Теракт қурбонлари хотираси учун мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

● ФИФА раҳбариятига тааллуқли корруп-цияга оид масала юзасидан 2015 йилдан буён давом этаётган суд жараёни нихоясига етди. Таъкидлаш жоизки, ушбу иш юзасидан Халқро футбол федерацияси президенти Йозеф Блаттер ўз вазифасини муддатидан олдин тарк этди, бир нечта мутасадди шахс-лар ҳибсга олинди. Коррупция иши бўйича 2,5 миллиондан ортиқ ҳужжатлар ўрганиб чи-қилган бўлиб, тайёрланган ҳисобот 1300 ва-рақни ташкил этади. Икки текширувга оид барча ҳужжатлар Швейцария ҳукуматида топ-ширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси соҳаларининг 2017 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида комплекс бўйича жами 1 триллион 637 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 118 фоизни ташкил этди. Комплекс соҳаларида 30 миллион 800 минг долларлик хизматлар ва маҳсулотлар экспорти қилинди. 59 миллион 300 минг долларга тенг инвестициялар жалб қилинди ва режа кўрсаткичи 175 фоизга бажарилиди.

Йиғилишда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хўнар коллеж-

лари, олий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини тубдан ошириш, замонавий ўқув режалари ва методларини жорий этиш, ўқувчиларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихи, хорижий тиллар ҳамда замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш, таълим муассасаларидаги педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибини етарли педагогик иш тажрибасига эга бўлган, касбий тайёрланган мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг малакасини ошириш борасида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Академик ва олий ўқув юрталаридаги илм-фанни янада ривожлантириш, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифаларини инобатга олган ҳолда илмий муассасалар моддий-техник базасини илгор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ равишда мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар хусусида сўз юритилди.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокни таъминлаш, юксак маънавиятли,

мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вожа етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, жойларда уюлмаган ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб борган ҳолда уларни фойдали меҳнатга жалб этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Комплекс йиғилишида музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, музейларда Мустақиллик экспозицияларини ташкил этиш, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ синдириш, музейлар воситасида халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижод аҳлига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Кинематография объектлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўсиб ке-

лаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғоя ва мафкурага содиқлик руҳида тарбиялашда фильмларнинг ролини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди. Тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларнинг бориши, компьютер саводхонлиги бўйича ходимлар билим даражасини ошириш натижалари сингари масалалар таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли дуч келаётган бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан таҳлилий мақолалар, кўрсатувлар ва эшитиришларни босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни қучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2017 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини тўла амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

Пойтахтимизда журналистлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялашнинг ҳуқуқий асослари” мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди.

ДЕКЛАРАЦИЯ ТЎЛДИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш муносабатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар асосида тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 167-моддасига мувофиқ, солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар – жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади.

– Ушбу даромадлар таркиби Солиқ кодексининг 189-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга мулкӣ даромадлари, агар бу даромадларга тўлов жараёнида солиқ солинмаган бўлса, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги, икки ёки ундан кўп манбадан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари декларация асосида солиқ солинадиган даромад турларига кириди, – дейди Давлат солиқ қўмитаси ЖШСТББ ҳодими Алмазбек Расулов. – Жисмоний шахслар ушбу моддада кўрсатилган даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади. Агар жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадидан солиқ унинг аризага кўра, энг юқори ставка асосида ушлаб қолинган бўлса, декларация тақдим этилмайди.

Анжуманда маълумот ўрнида айтилдики, жорий йилнинг 1 апрелига қадар 455 мингдан зиёд жисмоний шахслар томонидан ўтган йилда олган даромадлари бўйича солиқ декларациялари тақдим этилган.

Тадбирда мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиққа тортиш тартиблари ҳам тушунтириб ўтилди.

Декларация асосида ҳисобланган даромад солиғи белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир қонун 0, 033 фоиз миқдорига ижарага бериш ҳолатлари сабаб бўлади. Жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари давлат солиқ хизмати органларининг давво аризалари асосида суд тартибиде мажбурий ундирилиши белгиланган.

Анжуманда қайд этилдики, ўтган 2016 йилда 9553 та жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни ноқонуний равишда ижарага бериш ҳолатлари аниқланган бўлиб, ушбу фуқароларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган. Жорий йилнинг ўтган уч ойида эса 801 нафар фуқаро кўчмас мулкларини тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан ижарага берганлиги аниқланган.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олган жисмоний шахслар дастлабки декларацияни ўзлари учун қўлай бўлган жойда ва қўниинг исталган вақтида, Давлат солиқ қўмитаси расмий www.Soliq.Uz сайти ва Электрон солиқ хизматлари портали – my.Soliq.Uz орқали кўрсатилаётган “Жисмоний шахсларнинг даромадлари тўғрисидаги солиқ декларацияларини қабул қилиш ва қайта ишлаш” электрон давлат хизматидадан фойдаланган ҳолда, электрон шаклда топширишлари мумкин. Ушбу хизмат солиқ декларациясини хатосиз тўлдиришда ёрдам бериши билан бирга жуда оддий бўлиб, бунинг учун фақат электрон рақамли имзога эга бўлиш талаб қилинади.

З.ШАРИФЖОНОВ

Таълим муассасаларида битирувчилар учун ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ёшларнинг тўлиқ ишга жойлашиши ҳамда таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ИНСТИТУТДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 50 дан ортиқ корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

2016-2017 ўқув йилида институт 267 бакалавр ҳамда 37 магистр давлат гранти асоси-

да битирмоқда. “Кадрларни давлат гранти асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги низомига мувофиқ уларнинг мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарига ишга тақсимлини шартнома ва расмий хатлар билан тўлиқ расмийлаштирилмоқда.

Ярмаркани ўтказишдан мақсад ишлаб чиқариш корхоналарининг кадрлар сифатига бўлган талаб ва тақлифларини таҳлил қилиш, ёш мутахассисларни иқтидор ва салоҳиятидан келиб чиқиб, ишга жойлаштиришга қўмаклашишдир.

Н.НАСРИЕВ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаб боришга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда тадбиркорлигини ривожлантириш, тадбиркорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

КОРРУПЦИЯ – САЛБИЙ ИЖТИМОЙ ВОҚЕЛИК

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси томонидан коррупцияга қарши курашиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга кенг йўл очиб бериш мақсадида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларини кенг аҳолига ва божхона ходимларига батафсил етказиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг февраль-март ойларида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг барча ташқи иқтисодий фаолият божхона постларинда Тошкент шаҳар кураутураси билан ҳамкорликда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан очик мулоқотлар ташкил этилди.

Йиғилишларда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга қаратилди.

Учрашувларда божхоначиларга мазкур Фармон талабларидан келиб чиқувчи вазифаларга сидқидилдан ёндашиш, шу орқали давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш, порахўрлик ва таъмагирликка йўл қўймаслик каби долзарб масалалар кенг муҳокама этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш шараитида коррупция каби салбий ижтимоий воқеликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикаимизда шу йилнинг 3 январиде қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги



ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимизда мамлакатимизда биринчи бор ташкил этилган Халқаро пресс-клубнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари, олимлар, мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Расмий маросимдан аввал Халқаро пресс-клуб Жамоатчилик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқаро пресс-клуб раисини сайлаш, ташкилот раъзини тасдиқлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари, Халқаро пресс-клуб Жамоатчилик кенгаши раиси С.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама уйғун, жадал ривожлантириш, барча соҳани модернизация қилиш ва эркинлаштириш, халқ билан мулоқотни изчил йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ушбу пресс-клуб Ўзбекистонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ислохотлар қўламини тезкор ва сифатли ёритишда интерфол майдонга айланиб, ижтимоий мулоқотни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

– Халқаро пресс-клуб нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилди. Мамлакатимиз ахборот маконини янада ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида объектив маълумотларни халқаро жамоатчиликка кенг етказишни мақсад қилиб қўйилган, – дейди Халқаро пресс-клуб раиси Шерзод Қудратхўжаев. – Ушбу медиа майдонда давлат бошқаруви органлари, экспертлик жамиятлари вакиллари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар билан оммавий ахборот воситалари иштирокида очик мулоқотлар, учрашувлар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу давлат ҳокимиятининг очиклигини, ўзаро чекловлар ва мувозанат тизими ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар устидан жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқаро пресс-клубда Халқ қабулхоналари фаолияти натижалари, Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши, янгидан қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг муҳокамасига бағишланган янги форматдаги токшоу, бахс-мунозаралар, матбуот анжуманлари ташкил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, ёш журналистлар учун маҳорат дарслари, тренинглар, мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижий делегациялар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва расмий доира вакиллари иштирокида медиа учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

Пресс-клубнинг яна бир жиҳати, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш эмас, балки иштирокчилар интерфол майдонда экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва журналистларнинг тақлифлари билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлади.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Д.КАРИМОВ

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МОЛИЯЛАШТИРИЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида “Асака” акциядорлик тижорат банки томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

“Асака” акциядорлик тижорат банки юртимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилан ҳолда ўз олдида мулкчилик шакли ва фаолият қўламини катъий назар барча ҳўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолига кенг доирадаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Республикаимиз бўйлаб 26 филиал, 83 минибанк, 298 чакана банк хизматлари кўрсатувчи шохобчалари бўлган “Асака” акциядорлик тижорат банки ҳозирги кунда 1,9 миллион нафардан зиёд миқозда хизмат кўрсатмоқда. Миқозлар таркибида иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва бирлашмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар бор.

Тадбирда таъкидланганидек, банк асосий эътиборини республикаимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратиб келмоқда. Жумладан, банк томонидан автомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил, озик-овқат, фармацевтика sanoati, транспорт, қурилиш ва бошқа тармоқларнинг инвестиция лойиҳалари фаол молиялаштирилмоқда.

Инвестиция дастурига мувофиқ 2016 йилда юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илгор илм-фан ютуқларига асосланган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга 273,4 миллион АҚШ доллари миқдориде кредитлар йўналтирилди.

Жумладан, “Навоиозот” акциядорлик жамиятига аммиак ва қарамайд ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш ҳамда ПВХ, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш базасини ташкил этиш учун, “ЎзАвто Аустем” қўшма корхонасига автомобилларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун, “Барака омухта ем” масъулияти чекланган жамиятига ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар билан бўйича ва бошқа бир қатор инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди.

2017 йилда “Асака” банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга 1,66 триллион сўм миқдориде кредитлар ажратилиш режалаштирилган. Инвестиция лойиҳалари банкнинг ўз маблағлари ва жалб этилган кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Январь-февраль ойларида турли соҳаларга тўрт юз миллиард сўмга яқин маблағлар йўналтирилди.

Абдуаллим САЛИМОВ

**Баҳодир САФАРОВ,
Тошкент шаҳар
Божхона бошқармаси
ҳодими**



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик масъулияти, бурчи ва вазифасидир. Бунда аёлларимизнинг роли катта аҳамиятга эга. Чунки ёшларимизнинг Ватанга бўлган садоқати, меҳр-муҳаббати, атроф-муҳитга бўлган муносабати биринчи навбатда оилада, асосан аёлларимиз томонидан шакллантирилади. Албатта, бу муҳим вазифани адо этишларида уларга маҳалла вакиллари яқиндан ёрдам берадилар.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликдаги қўшма иш режасига асосан Учтепа туманида ўтказилган "Аёл, экология ва саломатлик" мавзусидаги давра суҳбатида шулар жусусида сўз борди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлими бошқаруви ходимлари ҳамда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишловларнинг ҳар бири инсон манфаати, унинг фаровон ҳаёт кечирishi таъминлашга қаратилган. Хусусан, "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли қарори билан "Идоравий экологик назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низоми", "Ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низоми", "Экологик хизмат тўғрисидаги намунавий низоми" ҳамда "Экологик аудит тўғрисидаги низоми"ларнинг тасдиқланганлиги экологик ҳолатни соғломлаштириш ҳамда соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишларнинг ёрқин намунасидир.

Шунингдек, давра суҳбати давомида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда экологиянинг ўрни ва роли, ёшларда экологик таълим тарбияни ривожлантириш, уларнинг экологик маданиятини янада оширишда маҳалла, оила ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мухтасар қилиб айтганда, инсон саломатлиги аввало унинг атроф-муҳитнинг тозаллиги, қўлай табиий шароити, экологик тоза муҳитда яшаб фаолият олиб бориши орқали яхшиланади. Шу билан бир қаторда кишиларнинг ишга, ўқишга ва меҳнатга бўлган иштиёқи янада ошиб бораверади. Зеро, инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун.

Лайло РЎЗИМОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза
қилиш қўмитаси ходими



"ЭКО МАРАФОН" – ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон факхрийларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон спорт ташкилотлари факхрийлари Кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси" йўналишлари доирасида, "Оролбўйи минтақасини ривожлантириш" Давлат дастурини амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда "ЭКОСАН" фондининг 25 йиллиги муносабати билан, юртдошларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган "Табиатни асрайлик одамлар!" шиори остида "Эко Марафон"га старт бериш муносабати билан ОАВ вакиллари иштирокидаги тадбир уюштирилди.

Ўзбекистон Паралимпия ассоциациясида ташкил этилган ўшбу тадбирни очар экан, "ЭКОСАН" фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев "ЭКОСАН" ва "Нуроний" фондлариغا Ўзбекистон спорт факхрийси 65 ёшли Абдуҷаббор Холбоев хат билан мурожаат қилиб, ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ўз хиссасини қўшиб, "Эко Марафон" тадбирини ўтказиш таклифи билан чиққани, ўшбу таклиф асосида "Нуроний" ва "ЭКОСАН" фондлари ҳамда Ўзбекистон спорт ташкилотлари факхрийлари Кенгаши томонидан А.Холбоевнинг ташаббуси қувватланиб тайёрланган "Қўшма дастур" доирасида "Эко Марафон" Тошкент – Гулистон – Жиззах – Самарқанд – Навоий – Бухоро – Урганч – Нукус шаҳарлари йўналиши бўйича 45 кунга мўлжалланганлиги 1300 километр масофани пйеда босиб ўтишни ўз ичига олгани ва "Хотира ва қадрлаш кўни арафасида Нукус шаҳрида яқунлашниши маълум қилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон факхрийларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Шўхрат Усмонов "ЭКОСАН" ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур "Эко Марафон" юртдошларимиз, айниқса, ёшларни спорт билан шуғулланишга, соғлом турмуш тарзига ошно бўлишга ва мавжуд экологик муаммоларга бефарқ бўлмаслигини тарғиб этишга хизмат қилишга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада катта авлод вакилларининг ибрат кўрсататганлигига урғу бериб ўтди.

Ўзбекистон спорт ташкилотлари факхрийлари Кенгаши раиси Комилжон Худойбергенов бугун сафар-

га отланаётган инсон – юртдошимиз, Ўзбекистон спорти факхрийси Абдуҷаббор Холбоевга тасниф берар экан, унинг 1996 йилда соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент – Шаҳрисабз йўналишида ўтказилган "Супермарафон"да иштирок этганини, 2016 йилда Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан ўтказилган "680 йилга 680 минг кадам" марафонида иштирок этиб, Қашқадарёнинг Яқкабўғ туманидан Тошкентдаги А.Темур хибонагача бўлган 411 км. масофани пйеда 12 кунда босиб ўтганини, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ва "Ангрен – Поп" темир йўлининг ишга туширилишига бағишлаб ўтказилган "Мустақиллик байрамига – миллион кадам" марафонида Тошкент – Қўқон – Фарғона – Андижон – Наманган – Поп йўналишида 16 кунда 593 км. масофани пйеда босиб ўтганини ватанпарварлигининг ёрқин намунаси сифатида қайд этди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ходими, публицист-ёзувчи Бахтиёр Хайдаров Абдуҷаббор Холбоевнинг мамлакатимиз бўйлаб яёв сафарлари ҳақидаги таассуротлари баён этилган китобини ёзиб туғатганини маълум қилиб, уни "Эко Марафон" якунидаги тадбирдаги иштирокчиларга эсдалик учун тарқатишни айтиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, сафар мобайнида аҳоли, айниқса, ёшлар билан бир қатор учрашувлар, тадбирлар режалаштирилган бўлиб, улар ҳақида ОАВ орқали ахборот бериб борилади.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" Халқаро жамоат
фонди бўлим бошлиғи

"Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажақ авлодининг саломатлиги учун қўлай табиий муҳитда яшаб, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга".

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат-ташкilotларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳоли ҳақида уни муҳофаза қилиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Демак, ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган жойдаги экологик вазият ва унинг келгуси ўзгариши бўйича мутасадди ташкилотлардан мавжуд маълумотларни олиш, ўрганиш ва ундан фойдаланишга ҳақлидир. Ҳар бир киши ўз хохиши бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга хиссасини қўшиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бирор корхона ёки бошқа объектлар фаолияти натижасида инсонлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилаётган бўлса шикоят орқали, ҳокимият, бошқарув ва табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарори билан уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, тўғатилиши ёки ўзгартирилишига эришиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар экологик зарарли корхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Захарли чиқиндиларни ташлаш натижасида экинларни, баликларни ноҳуд қилиш, табиий объектларни бузиш, етказилган зарар учун корхоналар, мансабдор шахслардан ва фуқаролардан белгиланган тартибда тоvon пулини ундириш мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликда табиатдан оқилона фойдаланиш, янги, кам чиқитилган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирларини амалга оширган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун рағбатлантириш кўзда тутилган.

Азизжон КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот
бўлими бошлиғи

МУТАХАССИСЛАР МАЛАКА ОШИРАДИ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва Корея Республикаси Инҳа университети ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ, Ўзбекистон профессорларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури иш бошлади.

Мазкур дастур доирасида мамлакатимиз ёш мутахассислари малака ошириш ва докторлик даражасига эга бўлиш учун хорижий олий ўқув юр்தларига юборилади. Тошкентдаги Инҳа университети профессори ассистенти Хусанбек Гофуров шундай имкониятга эга бўлган мутахассислардан бири. У икки йил давомида Корея Республикасидаги Сонгюнгван университетидида ўқишни давом эттиради. Хусанбек юртимизга қайтган, ахборот технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ўз хиссасини қўшади.

Президентимиз илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳаси мутахассисларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда, – дейди Х.Гофуров. – Биз, ёш мутахассислар билдирилган бундай юксак ишончни оқлаш учун касбимизни янада пухта эгаллаш, замонавий билим ва технологияларни ўрганиш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга солашимиз.

Мамлакатимиз ахборот технологиялари мутахассисларининг хорижий олий ўқув юр்தларида билим олиши, чет эллик ҳамкасблари билан тажриба алмашиши Ўзбекистонда ўшбу соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Яккасарой туманида жойлашган 172-умумтаълим мактабида Яккасарой туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан профилактик тадбир бўлиб ўтди.

Ўқув масканида 905 та ўқувчи тахсил олади. Синфхоналар зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Спорт зал, фойдалар зали, кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 24 йўналишда фан тўғралаари фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимизнинг ҳар пайшанба кунини "Жинойятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кўни", деб эълон қилганликлари муносабати билан туманимиздаги ўқув муассасаларда, маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказаямиз, – дейди Яккасарой тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Баҳодир Султонов. – Бунда ўқувчиларга содир этилаётган жиноятлар, диний экстремизм, терроризм ва бошқа қонунчилигимизга ёт бўлган иллатларни тушунтириш орқали жиноятларнинг олдини олишга эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Худди шу каби тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Сергели сановат касб-хунар коллежида ҳам бўлиб ўтди. Учрашувга коллеж ўқувчиларининг ота-оналари таклиф этилди.

Унда иштирок этган Ўзбекистон ХДП Сергели тумани кенгаши раиси в.в.б. Мирзохид Хидиров ва туман прокурорининг ўринбосари Улуғбек Ганиевлар йиғилганлар олдиди сўзга чиқиб, кейинги пайтда барчани ташвишлантираётган диний экстремизм, одам савдоси каби жиноятлар, уларнинг оқибатлари, коллеж ўқувчиларининг давомати, ҳулқи ва одоби ҳақида фикр юритдилар.

Коллежимизда 914 та ўқувчи ўзбек ва рус тилларида тахсил олади, ўқувчилар ўртасида турли ноҳуш ҳолатларнинг, ҳуқуқбузарлик, жиноятларнинг олдини олишга доимий эътибор бериб борамиз, – дейди Сергели сановат касб-хунар коллежи директори Исроил Қурбонов. – Одам савдосига қарши кураш бўйича ҳар ойда икки марта "Нилуфар" маҳалласи билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказилапти.

Учрашувда ота-оналарга ўқувчиларнинг давомати, кийиниш маданияти, тартиб-интизоми, коллежнинг ички тартиб-қоидалари билан яна бир таништирилиб, уларнинг ўз фарзандлари олдидидаги бурчи, масъулияти ва жавобгарлиги бўйича зарур тушунтиришлар берилди.

Ш.ЗОКИРОВ

Реклама ва эълонлар

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

Мамлакатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини жаҳон талаблари доирасида олиб боришда қонуний ҳужжатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 120 дан ортқ қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Экологик қонунчиликнинг мақсади инсонларнинг саломатлиги, маҳнат ва маиший шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳисобланиб, у бир неча даражаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари экологик қонунчиликнинг асосини ташкил қилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Конституциянинг 50,54, 55 ва 100-моддаларига ўз аксини топган. Конституциянинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдилар", дея таъкидланган. Ушбу талабга кўра Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиши ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш талабларига тўла амал қилиши шартдир.

Асосий Қонуннинг 54-моддасига кўра жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулккий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонунчилигида мос равишда эътироф этилади. Лекин мулкдор мулкига ўз хохишича эгаллик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳеч қачон экологик муҳитга, яъни атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмаслиги керак.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Умуммиллий бойлик тушунчаси Ўзбекистон конституциялари тарихида биринчи бор қўлланилган бўлиб, у барча турдаги мулк шаклини инобатга олади. Лекин барча табиий объектлар халқимизнинг мулки бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси илк бор мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди. Бинобарин, миллий бойлик бўлган барча табиий заҳиралардан самарадорлик билан фойдаланиш мамлакатимиз ривожининг заминидир. Шунинг учун ҳам давлат уни му-

ҳофазасига олади.

Конституциянинг 100-моддасига биноан илк бор шаҳар, туман, вилоят маҳаллий ҳокимиятларга ўз маъмурий-худудий бўлинмаларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ваколати топширилган. Бунда, уларда яшовчи аҳолининг экологик жиҳатдан ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий экологик тадбирларни уйғунлаштириш ҳамда келажақ истиқболларни белгиллаш мақсадида табиий объектларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини тегишли ҳудудлар бўйича ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, эгаллаш, ижаралаш ва мулк сифатида бериш ҳуқуқи яратилди, бу назорат-жавобгарлик ме-

ҳофаз қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари; Фавқулодда экология вазиятлари; Ҳўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари; Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, Табиатни муҳофаза қилишга оид низооларни ҳал қилиш".

Илмий-техник тарақиёт ва шу билан боғлиқ табиий муҳитнинг бузилиши, муҳофазани кучайтириш, алоҳида ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиш учун "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИКЛАР

ханизмини такомиллаштиришга имкон бери.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун экология соҳасидаги асосий қонун ҳисобланади. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:


"Умумий қоидалар; давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари; Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; атроф-табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш; табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш; Экологик экспертиза; Экологик назорат; Табиатни му-

тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Мавжуд қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларига катта ўрин берилган.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг муқаддимасида – "Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қўлай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир" деб таъкидланади.

Қонуннинг 12-моддасига биноан



Спорт янгилклари

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Багам оролларида 27 апрель — 7 май кунлари пляж футбол буйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Этиборлиси, курраи заминнинг 16 та энг кучли терма жамоаси голиблик учун кураш олиб борадиган ушбу нуфузли турнирда ФИФА рефериси Бахтиёр Намозов ҳам бош ҳакам сифатида фаолият олиб боради. Эсла-

тиб ўтамир, 4-11 март кунлари Малайзияда ўтказилган пляж футбол буйича қитъа биринчилигида ҳам Бахтиёр Намозов бир нечта учрашувларни бош ҳакам сифатида бошқарган эди.

“ЛОКОМОТИВ”НИ ЖИДДИЙ ЎЙИН КУТМОҚДА

Футбол бўйича жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнири “А” гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Локомотив” жамоасида ҳали кейинги босқичга чиқиш учун имконият бор.

“Локомотив” жамоаси ўз стадионида 11 апрель кuni Осиё чемпионлар лигаси 4-турдан ўрин олган учрашувда Техроннинг “Истиклол”

клубини қабул қилади. Ушбу учрашувни иорданиялик Адхам Мухаммад Тумаҳ бош ҳакам сифатида бошқарса, қанотларда унга ҳамюртлари —

Аҳмад Моаннас ва Исса Махмуд ёрдам беришади. Тўртинчи ҳакам ҳам иорданиялик — Мухаммад Хасан Махмуд.

МУХЛИСЛАРГА ТУҲФА

Яқин кунларда UzReport-TV телеканал қoшида янги Futbool TV телеканал очилаётганлиги ҳақида хабар берилган эди.

Фақат футбол учрашувларини мухлисларга туҳфа этишга ихтисослашган янги телеканал тез кунда тўлақонли иш бошлайди. Айни кунларда тегишли лицензия ва рухсатномага эга бўлган янги телеканалда техник

ишлар якунига етказилмоқда. Дарвоқе, янги телеканалда ҳам мухлисларга Англия, Испания чемпионатлари баҳслари намойиш этилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 16–21 апрель кунлари Сербия пойтахти Белград шаҳрида ўқув-машғулотлар йиғинини ўтказди.

Йиғин доирасида Ўзбекистон ёшлар термаси 18 ва 20 апрель кунлари сербиялик тенгдошларига қарши ўртоқлик ўйинлари ўтказди. Жамоа бош мураббийи Александр Мочинини Сербиядаги йиғинга 18 нафар футболчини таклиф қилди. Дарвозабонлар — Жавохир Қиличев, Умиджон Эргашев, ҳимоячилар — Абурак Мўйидинов, Иброҳим Йўлдошев, Раҳматилла Мирзааҳмадов, Абдулазиз Ёқубов, Дилшод Саидов, ярим ҳимоячилар — Камрон Саид-азимов, Сухроб Иzzатов, Ислон

Кенжабоев, Бобуржон Асқаров, Аббосбек Жумақулов, Георгий Аҳмедов, Остон Урунов, Расул Йўлдошев, Худойерхон Сағдуллаев, ҳужумчилар — Асадбек Собиржонов, Жаҳонгир Абдусаломов. Мазкур йиғин 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоасининг 2018 йили ёшлар ўрта-сида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш босқичига тайёргарлик режасидан ўрин олган. Саралаш босқичи учрашувлари шу йилнинг 31 октябрь — 8 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

ТАЖРИБА АЛМАШИШМОҚДА

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерациясига аъзо мамлакат федерациялари бош котиблари конференцияси старт олди.

Биринчи бор ташкил қилинаётган мазкур конференцияда Ўзбекистон футбол федерацияси Бош котиби Сардор Раҳматуллаев ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ОФКга аъзо мамлакат федерациялари ўртасида фикр ва фикр алмашиш, ҳамкорлик ва бирдамликни оширишдан иборат.

ОФК Бош котиби Дато Уиндсор Жон бу каби конференцияни ўтказиш муҳим эканини ҳамда Осиё футбол вазифаларини яхшироқ тушунишга ёрдам беришини таъкидлади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида хорижда ишлашнинг қонуний асослари, одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокимлиги, шаҳарча ички ишлар бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Ёшлик” шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жиноятчилик, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда энг катта глобал муаммага айланди. Мазкур муаммоларни соғлом муҳитни барқарор таъминлаш орқали бартараф этиш мумкин.

— Турли салбий иллатлардан ўсиб келаётган ёшларимизни асраш, уларда маънавий имунитетни шакллантириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Ёшлик” шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан шаҳарча ҳудудидаги таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба-ёшлар орасида бир қанча тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, — дейди “Камолот” ЁИХ “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Ш.Шодмонова. — Одам савдоси, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг умр заволи эканлигини унутмаслик, айнан қайсидир соҳа вакиллари эмас, балки барчанинг вазифаси эканлигини ҳар бир ёш йигит-қиз англамоғи лозим.

Давра суҳбати сўнггида ўқувчиларга “Ал-Дабри қолманг!”, “Адашманг! Тўғри йўлни танланг!” каби тарқатма материаллар тарқатилди ва “Одам савдоси — давр муаммоси” мавзусида фильм намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

“101”

ЖАБР КЎРИБ ҚОЛМАНГ

Ёнғинлар натижасида кўриладиган моддий зарарлар катта бўлсада, инсон ҳаётига бевақт нуқта қўйилиши, шунингдек, одамларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишлари бу “тилсиз ёв” келтирадиган офатларнинг энг даҳшатлисидир.

Айниқса, ёнғинлардан болаларнинг жабр кўриши кишининг кўнглини ўртайдиган ҳолат. Куйиш жароҳатидан азоб чекаётган болаларни кўриб, ёнғин хавфсизлиги борасидаги лоқайдликларимиз қанчалар қимматга тушаётганлигини ҳис этамиз.

Шифохоналарга тушган беморларнинг куйиш ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан газ ва электр иситиш асбобларидан билар-билмас, нотўғри фойдаланиш, олов ўйнаш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслик каби бир қарашда оддий нарсалар орқали содир бўлаётганлигини кўрамиз.

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлаётганини ҳисобга олсак, ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда тушунтиришни талаб қилади. Бола онгига ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш, унинг иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар қайсида бўлишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий.

Содиқ ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ХҲО 2-ХҲБ
алоҳида пост катта инспектори, сержант

Реклама ва эълонлар

Танловга марҳамат

Тошкент молия институти 2016-2017 ўқув йилига “Бухгалтерия ҳисоби”, “Молия” ва “Аудит” кафедралари мудири ва куйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): “Молия” доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Иқтисодиёт назарияси” ўқитувчи (ассистент); “Минтақавий иқтисодиёт” катта ўқитувчи; “Банк иши” доцент, ўқитувчи (ассистент); “Информацион-коммуникацион технологиялар” катта ўқитувчи; “Бухгалтерия ҳисоби” катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Аудит” катта ўқитувчи; “Статистика” доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Олий ва амалий математика” доцент; “Солиқлар ва солиққа тортиш” доцент, катта ўқитувчи; “Сугурта иши” катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Касбий таълим” катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Менежмент ва маркетинг” доцент, катта ўқитувчи; “Бизнес ва тадбиркорлик” катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Баҳолаш иши ва инвестициялар” катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Жисмоний маданият ва спорт” катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); “Пенсия иши” ўқитувчи (ассистент); “Бюджет ҳисоби” ўқитувчи (ассистент); “Молиявий таҳлил” ўқитувчи (ассистент); “Чет тиллари” ўқитувчи (ассистент); “Банк ҳисоби ва аудит” катта ўқитувчи; “Молиявий менежмент” ўқитувчи (ассистент) лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ Ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
Тел.: 234-45-86

“Respublika Mulk Markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 2016 йил 26 декабрдаги 5/5208-сонли икром варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, Ц-15-19 манзилида сақланаётган, 2013 йил и/ч, “ТБАСПГ Нексия Сонс” русумли д/р 01/846ТТС бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 25 483 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 11 май соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 8 май соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга таътиб этилган бўлиб, унга қўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга қўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани “Ягона дарча маркази” томонидан 16.05.2016 йилда № 001824-02 рестр рақами билан рўйхатдан ўтган “PARI RUNSOR” ХК (ИНН 303940901) таъсисчиларнинг 23.08.2016 йилдаги №3 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
+99894 424-31-86.

Реклама ва эълонлар

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан “KEZAR” МЧЖга (ИНН 203032009) берилган №7041 рақамли Хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 11 апрель кuni ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Фарбдан секундица 5-10, момақалдироқ пайтида 12-17

метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 16-18 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотица кўра, 11 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишича имконият яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзиллимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 435

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10118 нусхада босилди.
Қозғос бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13:00

Босишга топширилди: 14:30